1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

# YOSHLAR OVOZI

2018-YIL 30-YANVAR, SESHANBA

12 (16170)

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ФУТБОЛ БЎЙИЧА 23 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ҒОЛИБЛАРИ – ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

**Азиз фарзандларим!**
**Қадрли устоз ва мураббийлар!**

Барчангизни футбол бўйича Ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатининг финал ўйинида ғоят оғир ва ноқулай об-ҳаво шароитида том маънода матонат ва жасорат намунасини намоён этиб, ғолибликни қўлга киритганингиз билан ўз номимдан, кўп миллатли халқимиз номидан самимий муборакбод этаман.

Сизлар қўлга киритган мислисиз бу ғалаба бутун халқимизга чексиз қувонч бағишлаб, Ўзбекистон ёшларининг қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор кўрсатди. Бу улкан зафар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиздаги миллионлаб ёшларни мардлик ва матонат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга улкан ҳисса қўшади.

Эл-юртимиз сизлар каби мард ва жасур, фидойи ўғлонлари билан, юртимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари билан фахрланади.

Барчангизни бағримга босиб, сизларга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, жонажон Ўзбекистонимизнинг шон-шуҳратини дунёга тараннум этишда доимо ютуқ ва зафарлар ёр бўлишини тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**




## ЖАСОРАТНИНГ "ОЛТИН" ТУҲФАСИ


Р.НАЗАРМАТОВ

Уйимиз Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортига яқин жойлашган. Кеча тунда кўчадан машиналар сигнал чалиб, одамлар ҳайқириб ўтаётганини эшитиб қолдим. Ташқари аёз бўлишига қарамай, минглаб юртдошларимиз қўлларида Ватан байроғини тутиб, қаҳрамонларни кутиб олишга ошиқди...

2017 йил ўзбек футболи учун омадсиз келди. Миллий терма жамоамиз Россияда бўладиган жаҳон чемпионати йўлланмасидан "қуруқ қолди". Миллионлаб мухлисларнинг умиди пучга чиқди. Ҳал қилувчи дамларда бой берилган очколар, фойдаланилмаган қулай вазиятлар алами ҳалигача қалбни тирнайди.

Шу сабаб, 23 ёшгача бўлган Ўзбекистон терма жамоаси Хитойда ўтадиган Осиё чемпионатига йўл олар экан, уларнинг ғолиб бўлишига ҳам ҳеч ким ишонмасди. Гуруҳ босқичидаги илк ўйинда мағлуб бўлганимиз буни тасдиқлагандек эди, гўё. Бироқ иккинчи ва учинчи турдаги муваффақиятлардан кейин ишонч учқунлари пайдо бўлди.

Ҳамма чорак финалдан кейин жамоамизнинг чемпион бўлиши ҳақида гапира бошлади. Қитъамизнинг забардаст жамоалари бўлмиш Япония ва Жанубий Корея термалари дарвозасига бизникилар тўрттадан тўп киритди. Илгари футболчиларимиз бу рақибларга қарши майдонга тушса, ишқибозлар юрак ҳовучлаб ўтирарди. Йўқ, энди бари ўзгарган!

Финалдаги рақибимиз қитъа футболида даражаси пастроқ бўлган Вьетнам эди. Гарчи олдинги икки ўйинда йирик ҳисобда ютган бўлсак-да, бу учрашувда хотиржамликка берила олмасдик. Биринчидан, финал ўз номи билан — финал. Унда кучсиз жамоа бўлмайди. Иккинчидан, Вьетнам гуруҳ босқичида бизни мағлуб этган Қатардан устун келганди. Ана шу жиҳатларнинг ўзиёқ бу баҳснинг аҳамиятини англатиб турарди.

Финал оғир бўлишини ҳаммамиз ҳис қилиб турардик. Кўпчиликка маълум: қорли майдонда ўйнаш жуда қийин. Тўп йўлланган манзилга етиб бормайди, истаган пайтда траекториясини ўзгартириши мумкин. Бунақа шароитда ҳақиқий матонат ва жасорат эгаларигина ютуққа эришади. Шукрки, бизнинг азаматларда ана шу сифатлар мужассам экан.

Баҳсда ҳисобни очганимиздан сўнг яна гол уриш учун имкониятлар бўлди. Вьетнамликлар эса, ҳисобни тенглаштиргач, ўйин темпини пасайтиришга ҳаракат қила бошлади. Рақибимиз чорак ва ярим финалдаги ўйинларни пенальтилар сериясидаги аниқ зарбалар эвазига ютиб олганди-да. Финалда ҳам шунга умид қилганди. Аммо...

Ярим соатлик қўшимча вақтда терма жамоамиз бош мураббийи Равшан Ҳайдаров майдонга учинчи ҳужумчини тушириб, барча масалани асосий вақтнинг ўзида ҳал қилди. Рақибга тўпни мақсадсиз ўйнатиш, жон-жаҳди билан ҳимояга ётиб олиш иш бермади.

Футболда мураббийнинг топқирлиги ўта муҳим аҳамиятга эга. Равшан Ҳайдаров журналистлар ва ишқибозлар томонидан кўп танқид қилинарди. Осиё чемпионатидаги баҳслар Ҳайдаровнинг кучли мутахассис эканини исботлади. У финалдаги дуранг вазиятда уч ҳужумчи билан ўйнашдан чўчимади ва бу ўз натижасини берди.

...Ишқибозлар орзиқиб кутган онлар яқинлашди. Футболчиларимиз усти очиқ автобусда пойтахтимиз кўчалари бўйлаб сайр қилди. Ҳаво совуқ, аммо Хитойда жасорат кўрсатган ўғлонларимизни йўл ёқалаб турнақатор тизилган ишқибозларнинг тафти иситган бўлса, не ажаб.

Футболчиларимизга энг катта эътиборни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кўрсатди. Давлат раҳбари терма жамоамиз чемпион бўлиши ҳамоноқ йигитларимизга табрик йўллади. Қаҳрамонлар Ватанига қайтган куни эса, мамлакатимиз Бош вазири Абдулла Арипов футболчиларга Президент совғаси — "Malibu" автомобилларини топширди.

Осиё қитъасидаги ғалабаларимиз сони учтага етди. Бунга қадар 1994 йилги Осиё ўйинларида ва 2011 йилги ўсмирлар ўртасидаги қитъа чемпионатида ғолиб бўлгандик. Бироқ, тан олиш керак, ўша ютуқлардан кейин футболимизда зафарли онлар давомли бўлмади.

23 ёшгача бўлган терма жамоамиз футболчиларининг ёниб турган кўзларига қараб, умид қиламизки, миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатига чиқиши узоққа чўзилмайди. Айнан шу йигитлар 2022 йилда қитъамизда иккинчи бор, Қатар мамлакатида ўтадиган жаҳон чемпионатида тўп тепади. Бунга ишонгимиз келяпти. Янги марралар, янги мақсадлар сари олға, йигитлар!

**Темур АЪЗАМ**

## ВОҲА ҲАЁТИДА ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 январь куни Қашқадарё вилоятига ташриф буюриб, ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди, ижтимоий-иқтисодийислоҳотларнинг бориши билан қизиқди.

Вилоятга ташриф Яккабоғ туманидаги мева-сабзавотни қайта ишлаш ва қадоқлашга ихтисослашган "Дармон шарбати" корхонаси фаолияти билан танишишдан бошланди. Давлатимиз раҳбари вилоятда бу каби корхоналарни кўпроқ ташкил этиш, замонавий технологияларни ўзлаштирган ёшларни тарбиялаш лозимлигини таъкидлади.

Шу ернинг ўзида Қашқадарё вилоятида 2018-2019 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини ошириш лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди.

Шаҳрисабз шаҳрида давлатимиз раҳбари "Дор ут-тиловат" мажмуасини зиёрат қилди. Таомилга биноан ўтганлар хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди. Диний уламолар, меҳнат фахрийлари билан мулоқотда халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида сўз юритилди.

Шу ерда мақом санъати усталари билан учрашув ташкил этилиб, суҳбат мақом санъати истиқболлари, халқаро мақом санъати анжуманини юксак савияда ўтказиш ҳақида кечди.

Ташрифи доирасида Президентимиз Оқсарой майдонидаги "Коба" маданият мажмуасида вилоят иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳалар билан танишди. Шаҳрисабз шаҳри ва туманида меҳнат бозорини барқарорлаштириш бўйича "йўл харитаси"га алоҳида эътибор қаратилди. Лойиҳадан вақтинча ишсизлар ҳақида маълумот, касбга ўқитиш марказларини ташкил этиш, касбларга бўлган талаб каби маълумотлар ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари қайси вилоятга ташриф буюрмасин, албатта, ёшлар, уларнинг тарбияси масаласига алоҳида эътибор қаратади. Халқимиз – болажон. Фарзандлари ўзидан ўзишини, ҳар томонлама ривожланган, баркамол бўлиб улғайишини ният қилиб яшайди. Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга давлат муассасалари билан бирга, нодавлат боғчалар ҳам кенг жалб этилаётгани замирида ана шу эзгу орзу-умидлар мужассам.

Президентимиз Шаҳрисабз шаҳрида давлат шериклиги асосида ташкил этилган "Вундеркинд" (Билимдон бола) номли хусусий мактабгача таълим муассасаси фаолияти билан танишиш асносида асосий эътиборни айни шу масалага қаратди.

Инглиз тили ва компьютер билимларини чуқур ўргатишга ихтисослашган мазкур нодавлат боғчада мактабгача таълимда бола шахсини ривожлантиришга қўйиладиган давлат талабларининг асосий йўналишлари қамраб олинган. Ҳар бир қаватдан кичкинтойларнинг интеллектуал, эстетик ва жисмоний салоҳиятини ўстириш учун унумли фойдаланилган.

Президентимиз муассасада яратилган шароитни юксак баҳолади. Мазкур боғча мисолида Шаҳрисабз шаҳрида яна 25 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш, боғча мудираси, Зулфия номидаги Давлат мукофот совриндори Шаҳноза Холмаҳматовага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиль совға қилиш бўйича топшириқ берди.

Шу ерда Қашқадарё вилоятида хусусий шериклик асосида ҳамда давлат томонидан қуриладиган мактабгача таълим муассасалари дастури тақдимоти ҳам бўлди.

Шу куни Президентимиз раислигида Чироқчи тумани ҳокимлиги биносида Қашқадарё вилояти фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари ўтган йили вилоятда бажарилган ишларни таҳлил қилиб, жорий йил ва яқин истиқболда амалга оширилиши зарур бўлган долзарб чора-тадбирларни белгилаб берди. Видеоалоқа орқали барча туманлар фаоллари билан ҳам мулоқот қилинди.

29 январь куни давлатимиз раҳбари Қарши туманидаги Абу Муин Насафий зиёратгоҳида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Уламолар билан суҳбатда буюк бобокалонимиз асарлари бугунги кун учун ҳам ғоят аҳамиятли экани, уларни қайта нашр қилиб, мазмун-моҳиятини ёш авлодга етказиш зарурлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Президентимиз Қарши туманидаги "Бахт" кўп тармоқли фермер хўжалигига ташриф буюриб, вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий лойиҳалар билан танишди.

Ҳудудда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аччиқ қалампир, коврак плантациялари ташкил этиш, чорвачилик, куркачилик мажмуалари, пистазор ва ёнғоқзорлар барпо этиш, сутни қайта ишлаш, асаларичилик лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

Қашқадарё вилоятида терини қайта ишлаш ва чарм-пойабзал кластерини барпо этиш, аҳолини тухум ва парранда гўшти билан таъминлаш, "Ғузор текстиль импекс" МЧЖ томонидан енгил саноат мажмуаси ташкил этиш, лалми ерларда доривор ўсимликлар етиштириш ҳамда Миришкор туманида калава ип ва трикотаж мато ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Хонобод ҳарбий аэродромида бўлди. Учувчилар билан суҳбатда мамлакатимизнинг янги Мудофаа доктринаси мазмун-моҳияти, Ватан ҳимоячиларининг бурч ва масъулияти ҳақида сўз борди.

Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳрида такомиллаштирилган лойиҳа асосида барпо этилган Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернати, унинг биринчи қаватида ташкил этилган музей фаолияти билан танишди.

Мактаб ўқувчилари Иброҳим Юсупов, Муҳаммад Юсуф, Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги мактаблар ўқувчилари билан онлайн боғланиб, мушоира ўтказди. Абдулла Орипов шеърлари ва ўзлари ёзган шеърлардан намуналар ўқиб берди. Бир гуруҳ ўқувчиларга совғалар топширилди.

Давлатимиз раҳбари Қарши тумани "Қоратепа" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Файзобод қишлоғида жойлашган "LT Textile International" хорижий корхонасида бўлиб, ушбу корхона фаолияти билан танишди, ишчи-ходимлар билан мулоқот қилди. Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшадиган хорижлик инвесторларга барча шароит яратилиши айтилди.

Шу ерда Қашқадарё вилоятида тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш дастури тақдим этилди.

Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА ахбороти асосида тайёрланди)**

**» ESHITDINGIZMI?**

## САРДОРЛАР УЧУН ЙЎЛКИРА БЕПУЛ



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда "Камалак" болалар ташкилотининг Хоразм вилоятидаги сардорларига махсус гувоҳнома ва кўкрак нишонлари тантанали тарзда топширилди. 200 нафар ўғил-қиз ушбу қувончли ҳодисанинг қаҳрамонига айланди.

Тадбирда қатнашган Иттифоқнинг ҳудудий кенгаши раиси Мансурбек Машарипов ижтимоий ташаббусларда жонкуярлик кўрсатаётган сардорлар жорий йилдан воҳа бўйлаб ҳаракатланаётган шаҳар ва туманлараро жамоат транспорти воситаларидан бепул фойдаланиши мумкинлигини маълум қилди.

— Сиз бизнинг эртамиз, таянчимиз! — қайд этди М.Машарипов. — Мана бу кўкрак нишонлари фаоллигингиз, тенгқурларингизга намуна, ибрат кўрсата олишингиздан далолат беради. Энди сардорлар моддий-техник таъминотда сира қийналмайди. Бунинг учун барча чораларни кўриб қўйдик.

**Равшана КУРЯЗОВА**

www.yoshlarovozi.uz
yoshlarovozi@umail.uz
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
YOSHLAR OVOZI

# НОМИ ДОИМ ҚАЛБИМИЗДА

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
Мадина СОБИРОВА

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида "Буюк шахсга эҳтиром" номли хотира кечаси ўтказилди.*




Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан ташкил этилган учрашувга Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова таклиф қилинди.

Дастлаб давлатимиз мадҳияси янгради. Сўнгра Татьяна Акбаровна йиғилганларга Биринчи Президентимизнинг давлат арбоби, оила бошлиғи, ота сифатидаги фазилатлари хусусида гапириб берди.

— Сафаримни бежиз Қорақалпоғистондан бошламадим, — таъкидлади меҳмон. — Ислом Каримов ўзини қорақалпоқ фарзанди, деб биларди. Бу заминга меҳри ва ҳурмати бўлакча эди. У ардоқлаган ўша эл ва юрт ҳароратини ҳис қилиш ниятида сизлар билан дийдорлашиб турибман.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ислом Каримовнинг мустақил Ўзбекистон равнақи учун қилган улкан ва хайрли ишларини ёдга олди. Якунда театр жамоаси томонидан истиқлол меъморининг ҳаёти ҳақидаги саҳна асари ҳавола этилди.

* * *

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ҳам Биринчи Президентимиз хотирасига бағишлаб "Ислом Каримов — буюк сиёсий арбоб ва мустақил давлат асосчиси" номли маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари баробарида Ислом Каримовнинг синфдошлари ҳам иштирок этди. Биринчи Президентимизнинг мустақилликни қўлга киритиш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш йўлидаги маънавий жасоратлари, мактаб йиллари ёдга олинди. Талаба-ёшлар қизиқтирган саволлар билан меҳмонларга юзланди.

Шундан кейин И.Каримовнинг ҳаёт йўли акс этган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Мадина ПЎЛАТОВА

*Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида "Бутун оламни жо қилган юрак" деб номланган кўргазма иш бошлади.*



Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тадбирнинг очилиш маросимида сенатор ва депутатлар, вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Сўз олганлар мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирганини алоҳида қайд этди.

Биринчи Президентимиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бадиий кўргазмада фоторассомларнинг 80 та, рассомларнинг 57 та, ҳайкалтарошларнинг учта ижодий иши жамланган.

» TASHABBUS

# СЕВАРАНИНГ "ПАРКЕНТ МАРЖОНЛАРИ"

**25 яшар тенгдошимиз ҳудуд ёшлари учун ўқув марказини ташкил этди.**



Адҳам ЖЎРАЕВ

Севара Раҳимбердиева орзусига Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Паркент тумани кенгаши кўмагида эришди. Янги муассаса аҳолига 17 йўналиш бўйича хизмат кўрсатишга мўжалланган. Унда инглиз, рус тиллари, кимё, физика ва бошқа фан тўгараклари мавжуд. Бундан ташқари, маҳаллий йигит-қизлар сартарошлик, ошпазлик сирларини ўрганиши ёки бу соҳаларда малакасини ошириши мумкин.

— Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилган. Мен бунинг жонли тасдиғиман. Аввалига бизнес бошлашга бироз ҳайиқдим. Лекин атрофингда суягувчилар бўлса, ишинг бароридан келаркан. Иттифоққа раҳмат, керакли пайтда ёрдам берди. Туманимиз ёшларининг сифатли таълим олишида муносиб ҳисса қўша олсам, ўзимни бахтиёр ҳис қиламан.

» DEPUTAT MINBARI

# ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТ КАТТА

Аксавли ТУМИШОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

*Ўтган йили мамлакатимиз яқин истиқболидаги тараққиёти учун ниҳоятда муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилганди. Унинг доирасида қабул қилинган 30 дан ортиқ қонун ҳамда 900 дан зиёд қонуности ҳужжати халқ фаровонлигини юксалтиришнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлади.*

Албатта, қўлга киритилган ютуқлар ўзимизники. Бироқ ечимсиз қолаётган масалалар ҳали ҳам бор. Президентнинг виртуал қабулхонаси ҳамда Халқ қабулхоналарига йўлланаётган мурожаатларни қаноатлантириш, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаб, бартараф этиш, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22 декабрда парламентга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш зиммамизга катта масъулият юклайди.

Шу мақсадда Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳаси тайёрланиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Бундай ёндашув турли қатлам вакилларининг таклифларини жамлаш, қуйидан юқорига етказиш имконини яратди. Муҳокамалар жараёнида фуқаролардан нақ 4 минг 400 таклиф келиб тушганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Ижрога киритилган Давлат дастури беш бўлимдан иборат. Унда 37 та қонунни ишлаб чиқиш, 142 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳамда турли соҳалар бўйича 52 та муҳим чора-тадбирни амалга ошириш кўзда тутилган. Барча ишларга жами 13,5 триллион сўм ҳамда 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилади.

Бир сўз билан айтганда, 2018 йил мамлакат ва жамият учун осон кечмаслиги аниқ. Элу юрт келажагига дахлдор ишларда "Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши шарт", деган "олтин қоида"ни дастуриламал қилсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Зотан, Ватан тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатишга бурчлимиз.

» IMKONIYAT

# ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ НАҚД

**Ёшлар иттифоқи бухоролик ёш тадбиркорнинг муаммосини ҳал қилди**

Сожида САПАЕВА

Ғиждувон туманининг Қорабоғ қишлоғида "Одил обод" корхонасини юритаётган Достон Одилов бирмунча вақт олдинроқ фермерлик билан шуғулланиш учун имконият яратиб беришни сўраб ташкилотга мурожаат қилганди. Куни кеча Иттифоқ қошидаги Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази вакиллари унинг фаолияти билан яқиндан танишиб, муаммони жойида ўрганди.

Суҳбат асносида маълум бўлишича, Достон ўз маҳалласига яқин ташландиқ ерда туман ҳокими қарори билан товуқчилик фермасини қуриб, 200 бош товуқни кўпайтира бошлаган. Энди у хўжалигини кенгайтириб, қўшимча иш ўринларини ташкил қилмоқчи. Бунинг учун 60 миллион сўм маблағ зарур.



Ёш фермернинг мақсади теранлиги ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилиши инобатга олиниб, унга амалий кўмак берилди. Тез орада Достон Одилов банкдан имтиёзли кредит олиши мумкин.

» TENG IMKONIYATLAR JAMIYATI

# ЭЪТИБОР НИҲОЛГА КУЧ БЕРДИ

Дилкушо НАВРЎЗОВА

*Навбаҳор туманидаги "Янги ҳаёт" маҳалласида яшовчи Наргиза Искандаровага Даун синдроми фалажи деб ташхис қўйилган. Ҳозир у 20 ёшда. Аммо ақлий ривожланишида нуқсони борлиги сабабли эндигина 2-синфга ўтди. 3-умумтаълим мактаби педагоглари бу ўқувчи билан уйида якка тартибда шуғулланмоқда.*

Наргизага ўхшаган ёшлар доимий эътиборга муҳтож. Уларнинг нафақат соғлиғини тиклаш, балки ижтимоий ҳаётда фаоллашиши, дўстлар орттириши, жамиятда ўз ўрнини топишига ҳам кўмаклашиш муҳим масала. Ўғил-қизларнинг чинакам таянчи бўлишга ошиқаётган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бундай вазиятларда ёрдамини аяётгани йўқ.



Ёшлар иттифоқининг Навбаҳор тумани кенгаши фаоллари Наргиза Искандарова ҳолидан мунтазам хабар олиб, уни қўшимча дарслар ҳамда тўгарак машғулотлари, шунингдек, ташкилот томонидан амалга оширилаётган турли лойиҳаларга жалб этмоқда. 2013 йилдан буён ногиронлик аравачасига михланиб қолган тенгдошимиз бундай ғамхўрлик самараси ўлароқ, оёққа туриб олди. Энди у мустақил ҳаракатлана олади! Шу боис ўзи қизиққан спорт тури — бадиий гимнастика билан шуғулланишни бошлаган.

Наргиза Искандарова 3-умумтаълим мактабида фаолият кўрсатаётган спорт тўгарагига қатнайди. Бу ерда иштиёқ билан таълим олаётгани, тана аъзолари турли элементларни эпчиллик билан бажаришга келишаётганини кўриб жуда қувондик. Яқинларининг шодлигини айтмайсизми. Айниқса, онаизори Ёшлар иттифоқидан умрбод миннатдордир!

» TADBIRKORLIKKA QADAM

# ОМАДЛИ БИЗНЕСМЕНДАН МАҲОРАТ САБОҒИ

Малик СИНДОРОВ

*Юртимизда фаолият кўрсатаётган "Deli.uz" компанияси асосчиси Ҳусан Мамасаидов Тошкент шаҳридаги Инҳа университети талабалари учун маҳорат дарсини ўтди.*

Уч соат мобайнида омадли тадбиркор бизнесдаги илк қадамлари, тажрибаси, синовдан ўтган ва ўтмаган режалаштириш воситалари билан ўртоқлашди.



Ҳусан Мамасаидовнинг айтишича, тадбиркорликка йўл билим олишдан бошланади. Шу боис у нафақат соҳасига алоқадор, балки бошқа жанрлардаги китобларни ўқишни сира канда қилмайди.

Бизнесмен ўзи ишлаб чиққан "Ҳаёт тақвими" ҳақида ҳам ёшларга маълумот берди. "Бундай солнома узоқ муддатга режалар тузишда ниҳоятда асқатади, — дейди Ҳ.Мамасаидов. — Унинг ёрдамида имкониятларингизни реал баҳолаб, келажагингизга назар солишингиз мумкин".

Маҳорат дарси асносида иштирокчилар спикернинг бой тажрибасини таҳлил қилиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.



» YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

# ФЕМЕРЛАРГА ЙЎЛ ОЧИҚ!

Сардор БЕКЖОНОВ

Урганч шаҳридаги Ёшлар марказида "Менинг далам — менинг фахрим" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбир аввалида кўҳна юрт фермерлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди.



Президентимизнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси ҳамда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб вилоятда ер билан тиллаша оладиган ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш юзасидан салмоқли ишлар қилинмоқда.

Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамда Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган илмий-амалий семинар бунинг ёрқин тасдиғидир. Очилиш маросимида вилоят раҳбарининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ўктам Машарипов иштирок этиб, эндиликда ҳокимлик фермерларга ер майдонларини кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини оширишда бевосита кўмакдош бўлишини айтди.

Таъкидлаш жоиз, ҳозирги кунда ҳудудда 8 минг 802 та (жумладан, 52 та кўп тармоқли) фермер хўжалиги рўйхатга олинган. Шундан 204 таси ёшларга тегишли. Ёш фермерларнинг 11 нафари ҳали 20 га ҳам тўлмаган йигит-қизлардан иборат экани янада эътиборли.

Илмий-амалий мулоқот давомида фермерларимиз Марказий банкнинг вилоят бошқармаси, "Lizing" компанияси мутахассислари, Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари билан ўзаро фикр алмашиб, кўплаб саволларига малакали жавоб олди.

Якунда ўз фаолиятида инновацияларни татбиқ этаётган ташаббускор фермерлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

# БИРИ ЖОЙ ОЛДИ, БИРИ ЦЕХ ОЧДИ

Роҳатой ҚОДИРОВА

Навоий вилоятининг барча ҳудудларида "Ҳоким ва ёш фермерлар" учрашуви ташкил этилди. Мулоқотлар давомида тадбиркору фермерлар, ҳунармандлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган омиллар аниқланиб, муаммо ва таклифлари ўрганилди.

Кармана туманида бўлиб ўтган учрашувда ёш тадбиркор Қамбарали Наврўзов трикотаж маҳсулотлари тайёрлайдиган цех очишни кўзлаб, банкдан имтиёзли кредит олишда қийналаётганини айтди. Саид Самадовнинг муаммоси ҳам ўхшаш. Бу йигит алюминий эшикромлар ишлаб чиқариб, аҳолига сифатли қурилиш материаллари етказаман, тенгдошларимни иш билан таъминлайман, деган мақсадда неча ойдан бери елиб-югуряпти. Бироқ молия ташкилотлари ёрдам бериш ўрнига... Хуллас, туман ҳокими Фахриддин Умаров барча муаммоли вазиятларга ойдинлик киритиб, ҳар бирини бартараф этиш юзасидан тегишли муассаса ва идоралар раҳбарларига кўрсатма берди.



Нурота туманидаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган учрашув ҳам қизғин кечди. Ҳудуд ҳокими Жамолиддин Ҳамроев фермер-ҳунармандларни очиқ мулоқотга чорлади. Натижа шунга яраша.

Мана, масалан, ҳозирда ширинликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган Мафтуна Рустамова мини цех учун жой ажратишни сўраган эдики, масаласи дақиқа ўтмай ҳал бўлди. Энди якка тадбиркор Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Нурота тумани кенгаши биносида фаолият кўрсатиб, яна икки нафар кишини иш билан банд этиши мумкин.

Навбаҳор туманида бўлиб ўтган учрашувда туман ҳокими, тижорат банклари филиаллари раҳбарлари, шунингдек, асаларичилик, балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик каби йўналишларда тадбиркорлик фаолиятини намунали йўлга қўйган бир гуруҳ ёшлар қатнашди. Очиқ саволлар, танқидий мулоҳазалар ўртага ташланди. Шу билан бирга, иштирокчиларга 2018 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш ва қўшимча даромад олишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги"ги қарорнинг мазмун-моҳияти тушунтирилиб, ҳужжат матни китоб шаклида тарқатилди.

» TOSHOYNA

# РОЗИ ҚИЛАМАН

Дилноза АБДУҲАМИДОВА

Одатдагидек газетанинг янги сони учун тайёргарлик бошланди. Турли ташкилот ва фуқаролардан келган хатлар иш столимда қалашиб ётибди. Уларга кўз югуртирарканман, айрим мақолалар таъбимни хира қилади. Ўқувчилар ёзган бўлса майлику-я, аммо кап-катта зиёли одамлар битган баъзи номалардан мазмунни яланг оёқ бўлиб изласангиз ҳам тополмайсиз.

Шу хаёлларга чалғиб ўтирар эканман, қўққисдан эшик тақиллади. Остонада бир аёл кўринди. Мақола олиб келгандир, деб тахмин қилдим.

— Ассалому алайкум. Хуш келибсиз.

— Хушвақт бўлинг, синглим... Каромат опангизман, мактабда дарс бераман. Шу десангиз.. ҳужжатларимиз ичида мақола ўлгур бўлиши керак экан.

— Биламан, опа. Ҳозир ўқитувчилар газетга серқатнов бўлиб қолган, — дедим ҳазил аралаш. — Мақоланинг электрон нусхаси ҳамда телефон рақамингизни қолдириб кетинг.

— Вой-й-й, синглим, яхши тушунмадингиз, чоғи. Мен мақола олиб келмадим. Лекин чиқаришим зарур. Ўзингиз бир иложини қилинг, илтимос. Буёғидан хавотир олманг, рози қиламан, — деди суҳбатдошим.

— Тушунмадим?..

— Ишларим жуда кўп, мақола ёзишга вақт қайда дейсиз. Сиз шартта-шартта ёзиб ташланг, бу ёғини ўзим келиштираман.

Ўқитувчи опамиз шундай дедию, сумкасини ковлаб, чамаси 30-40 минг пулни олиб, узатди. Жаҳлим чиқди. "Ўқувчиларга ҳам шундай усулда дарс ўтасизми?!" — дедим шартта.

— Ўзингиз биласиз, газета қаҳатмас! — деб эшикни "қарс" ёпиб чиқиб кетди аёл.

Шу куни ўзимга келолмадим, узоқ ўйланиб юрдим. Кейинги воқеа мени баттар таажжубга солди.

Доимгидек хатлар устида мук тушганман. Таҳририят яқинидаги мактабдан кўпгина ўқувчилар шеър, эртак, ҳикояларини олиб келади. Бир куни 5-синфда ўқийдиган қизча дафтар варағига иккита шеър ёзиб келибди. "Кейинги сонга берсак қаршимасмисиз?" — дедим жилмайиб.

— Чиндан чиқадими?

— Албатта, босилади, хотиржам бўлинг. Фақат озроқ кутасиз.

Шу топда қизчанинг авзойи жиддийлашди: "Опа, тўғрисини айтинг, қанча билан чиқарасиз?" — деди кўзларини пирпиратиб.

Мум тишладим...

» ILM SARHADLARIDA

# ФОРСИЙ УСЛУБИГА ТЕРАН ЁНДАШУВ

Насиба АБДУЛЛАЕВА

Тил билган — эл билади, деган гап бор. Бу ибора айтилганига анча даврлар ўтган бўлса-да, бугун илгаригидан ҳам кўра кўпроқ аҳамият касб этаётир. Қаҳрамонимиз Дилфуза Аҳмедованинг болаликдан тил ўрганишга иштиёқи баланд эди. Тошкент давлат шарқшунослик институтининг бакалавриат ва магистратура босқичларини тамомлагач, қадрдон олийгоҳида ўқитувчи сифатида ишлай бошлади. Ҳозир у эрон-афғон филологияси кафедраси докторанти.



Дилфуза Аҳмедованинг илмий-педагогик фаолияти, талабаларга дарс ўтиш технологияси, яратган ўқув адабиётлари ҳамда илмий ишлари ҳақида фақат ижобий фикрлар билдириш мумкин. Шу кунгача ёш тадқиқотчи битта монография ва луғат, иккита ўқув-услубий қўлланма, 36 та илмий мақола чоп эттирган. 2011 йилда "Форс тилида тарз ҳолининг структур ва семантик таснифи" мавзуидаги номзодлик ишини ёқлади.

— Дилфуза талабалик йиллариданоқ тиришқоқлиги, илмга чанқоқлиги билан устозлар меҳрини қозонган, — дейди ТДШИ эрон-афғон кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент Х.Алимова. — Ҳозир у кафедранинг етакчи устозларидан. Шу пайтгача қатор шогирдлар етиштирди. Баъзилари хорижий давлатларда таҳсил олмоқда ёки малакасини оширмоқда, яна бир нечтаси институт ташкилий ишларида фаол.

Дилфуза Аҳмедованинг докторлик диссертацияси "Форс тилидаги сўз туркумларининг матбуот матнларида услубий ва функционал хусусиятлари" мавзусига бағишланади.

— Форс тили публицистик услуби, хусусан, газета услубини тадқиқ этиш замонавий эроншуносликнинг муҳим йўналишларидан саналади, — дейди суҳбатдошимиз. — Мен форс тилидаги газеталар услубининг стилистик жиҳатларини батафсил ўрганяпман. Тадқиқотнинг долзарблиги матбуот материаллари услубий хусусиятларини аниқлаш, уларда қўлланувчи лексик бирликларни илмий жиҳатдан тадқиқ этишга қизиқиш ортиб бораётгани билан асосланади. Газета публицистик услубини стилистик жиҳатдан фарқлаш мезонларини белгилаш, кўп маъноли ва синоним сўз туркумларини тавсифлаш каби масалалар Эрон матбуотида сўз туркумларининг услубий тавсифи доирасидаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Айтиш керак, газета матнларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар форс тилини ўрганаётган талабаларнинг тил ва маданий компетенциясини оширишга ёрдам беради. Қолаверса, ушбу матнлар форс тилидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан форс тилига таржима қилиш жараёнида катта аҳамият касб этади. Демак, тадқиқот материалларидан бўлажак таржимонларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Дилфуза Аҳмедова ўтган йили Эроннинг "Саъдий" фонди томонидан ажратилган грант доирасида Теҳронда малака ошириб қайтди. Сафардан маълум бўлишича, эронлик мутахассислар унинг изланишларига алоҳида қизиқиш билан қарамоқда.

Қаҳрамонимизнинг мақсадлари кўп. У ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан заковатли... олимлар қаторида дунё тилларини ўрганиш ва ўргатиш бобида бундан-да зиёдроқ ишларга қўл уриш нияти билан яшамоқда. Мақсадлари рўёбга чиқишига тилакдошмиз.

## DUNYO BIZ HAQIMIZDA




## "THE WALL STREET JOURNAL" эътибор қаратди

**Жорий йил март ойида пойтахтимизда "Афғонистон — тинч келажак сари йўл" деб номланган халқаро вазирлар конференцияси ўтказилади. Американинг нуфузли нашрида шу ҳақда махсус мақола босилиб чиқди.**

У Лукас Альперт қаламига мансуб. Муаллиф замонавий афғон муаммоси ечимида Ўзбекистоннинг ташаббускорлиги тобора сезиларли тус олаётганини қайд этди. "Конференцияда Афғонистон билан қўшни мамлакатлар, шунингдек, Хитой, АҚШ, Россия ва бошқа йирик давлатлар вакилларининг иштирок этиши кутилмоқда, — деб ёзади журналист. — Улар афғон инқирозини тўғридан-тўғри музокаралар йўли билан ҳал қилиш имкониятларини кўриб чиқади".

"The Wall Street Journal" ўз ўқувчиларига Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Герберт Макмастер ўртасида яқинда бўлиб ўтган учрашув чоғида анжуман тафсилотлари муҳокама этилганини эслатган.

Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги янги тамойилларга баҳо берар экан, Лукас Альперт минтақадаги қўшнилар билан ўзаро алоқалар сезиларли даражада яхшиланганини таъкидлайди. Чегаралардаги ўтиш пунктларида ишлар қайтадан йўлга қўйилгани, Тошкент ва қўшни мамлакатлар пойтахтлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновлари тиклангани, трансчегаравий савдо-сотиқнинг кенгайгани муҳим ўзгаришлар қаторида санаб ўтилган. Мақолада экстремизмга қарши кураш халқаро ташкилотлар доирасида ҳам янгича туртки олгани қайд этилган.

## "NEUE ZURCHER ZEITUNG" ишончли одимларимизни қаламга олди

**Швейцариянинг энг кўп ўқиладиган ҳамда кунига 120 минг ададда чоп этиладиган газетаси — "Neue Zurcher Zeitung" ("NZZ") юртимиздаги ислоҳотлар ҳақида ёзди.**

Нашр сайтида эълон қилинган материалда "NZZ" мухбири Биньямин Трибе бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги ишончли одимлари билан дунёни ҳайратга солаётганини таъкидлади. Бу эса, мазкур мамлакат билан савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишни истаган хорижий инвестор ҳамда тадбиркорлар учун жуда қулай фурсатдир.

"Бир йил аввал Ўзбекистон Марказий Осиё давлатларига либераллашув бўйича намуна бўла олишига биров ишонмасди, — деб ёзади муаллиф. — Аммо ҳозир айнан шунинг гувоҳи бўлиб турибмиз. 2016 йил декабрида Президент этиб сайланган Шавкат Мирзиёев жуда кучли ислоҳотчи бўлиб чиқди".

Швейцариялик шарҳловчи Ўзбекистонда хорижий валютани эркин конвертациялаш тизимининг ишга туширилгани ташқи савдо билан боғлиқ кўпгина тўсиқларни олиб ташлашга имкон берганини қайд этади. Мақолада бошқа соҳалардаги ижобий ўзгаришлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилаётгани, коррупция ва бюрократизм билан курашилаётгани тўғрисида ҳам сўз юритилган.

## "KONING AAP"га маъқулмиз

**Яқинда Бельгиянинг Антверпен шаҳрида юртимиз сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Машҳур нидерланд компанияси — "Koning Aap" ташаббусига кўра ташкил этилган ахборот кунида республикамизга ташриф буюришни режалаштираётган фуқароларга Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятлари, туриндустрияни ривожлантириш йўлидаги сезиларли ютуқлари мавжуд йўналишлар ва инфратузилма, шунингдек, ўзбек халқининг бой тарихий-маданий мероси ҳақида маълумот берилди.

Тадбир давомида сўз олган "Koning Aap" компаниясининг Марказий Осиё минтақаси бўйича бош мутахассиси Люк Пиетерс қуйидаги фикрларни билдирди:

— Ўзбекистонга олти марта борган бўлсам-да, ҳар сафар янги таассуротлар билан юртимга қайтаман. Регистон. Бу жой мен учун кўҳна Самарқанд ва умуман, Ўзбекистоннинг бош тимсоли саналади. Меъморий ансамбль маҳобати, бетакрор қиёфаси, тарихий руҳи билан кишини ҳайратга солади. Шарқ гавҳари — Самарқанд кўплаб архитектура ёдгорликлари билан бирга, гўзал ландшафтга ҳам эгаки, бу европалик сайёҳларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Ўзбекларнинг меҳмондўстлиги, бир-биридан мазали таомларига эса, гап йўқ!

Компаниянинг савдо менежери Тьери Бюненинг сўзларига кўра, охирги йилларда Ўзбекистон сайёҳлик бозори анча юксалди ва кўпгина хорижий туроператорлар эътиборини ўзига тортмоқда.

— Бу, авваламбор, соҳанинг либераллашгани, хусусан, гуруҳлар учун визалар олиш тартибининг соддалаштирилгани билан боғлиқ, — қайд этади эксперт. — Энди битта гуруҳда камида беш нафар сайёҳ бўлиши талаб қилинмоқда. Транспорт ва логистика бўйича ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берган. Буларнинг бари ишимизга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

"Жаҳон" АА материаллари асосида тайёрланди.

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
YOSHLAR OVOZI

» YOSHLIK ILHOMI

## Савол

БОБОРАВШАН

Ўғлидан хабар олгани борган ота шифохона ҳовлисида тиниқ осмонга ва олисдаги тоққа қараб жим ўтирарди. Шифохонада ёлғиз даволанаётган олти яшар болакай отасининг тиззасига бошини қўйиб, ниманидир узоқ ўйларди. Ниҳоят, ота тилга кирди.

— Йиғламаяпсанми? — деб сўради. Бола "йўқ" дегандай бош қимирлатди. Лекин бирдан авзойи ўзгарди. Ўксик ва маъсум нигоҳини отасидан олиб қочди. Кейин:

— Бекор касал бўлганман, — деди. — Кетаман бу ердан, олиб кетинг!

Ота нима дейишини билмасди. Унинг кўкси ачишиб, томоғига нимадир тиқилгандай бўлди. Кўз ёшини кўрсатмаслик учун ўғлини бағрига қаттиқ босди ва:

— Ундай дема. Ахир, сен ақлли боласан-ку, тўғрими? — деди. Бола индамади. Ота ўзи тенги одамга насиҳат қилаётгандай гапида давом этди.

— Худойим яхши кўрган бандасини касал қилиб синаб кўраркан. Сен ҳам бардам бўл. Хўпми?

Ота ўғлига узоқ насиҳат қилди. Болакай отасининг сўзини жон қулоғи билан тинглади. Катталардан Худо ҳақида эшитганида доимо мутаассир бўлиб қоладиган бола бу сафар ҳам узоқ вақт хаёлга толди. Кейин ўйчан нигоҳини отасининг кўзига қадаб савол берди:

— Сиз нега ҳеч ҳам касал бўлмагансиз?!

## 27 ТЎГАРАК БОЛАЛАРГА МУНТАЗИР



Самарқанд туманидаги "Баркамол авлод" болалар марказида ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари самарали йўлга қўйилган.

— Бу ерда техник ва бадиий ижодиёт, ўлкашунослик, экология йўналишларида 27 тўгарак ишлаб турибди, — дейди марказ раҳбари Зарина Холмирзаева. — Шунингдек, маҳаллалар ва мактаблар қошида ҳам тўгарак машғулотлари ташкил этилган. Айниқса, чет тили, либослар дизайни, бичиш-тикиш, ёш қандолатчилар, моҳир қўллар, тўқиш тўгараклари ёшлар билан гавжум.

Малик СИНДОРОВ фотолавҳаси.



## "НАВОИЙНИ АНГЛАШ" ВИКТОРИНАСИ

*Ғам барқию меҳнат туни зоянда бўлса ишқдин,*
*Тонг йўққи, ўтқа гаҳ шарар, гоҳи тутун фарзанд эрур.*

Алишер Навоийнинг "Оғзим ачитқон дам-бадам" ғазалида келтирилган ушбу байтни шарҳланг.
Жавоблар 2 февралгача қабул қилинади.

**yoshlarovozi@mail.uz**
**yoshlar_ovoziuz**

**10-сонда эълон қилинган викторина саволининг жавоби қуйидагича.**

Алишер Навоий сўз санъатининг даҳоси бўлиш билан бирга, ҳаётнинг беназир билимдони ҳам эди. Унинг шеърларида ғоят инжабинлик билан кузатилган кундалик турмуш тафсилотлари шундай дейишга изн беради. Ҳаётни теран англагани боис, Навоий ғазалларидаги ҳар бир кўчим, тасвир ҳар томонлама асосланган бўлиб, бирontасини рад қилиб бўлмайди. Мана шуниси билан Навоий шеърияти ўқувчиларда ҳаёт ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилади. "Ғаройиб ус-сиғар" девонидан ўрин олган "Боғ мендек сорғариб" ғазали борасида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Матлаъ қуйидагича берилади: "Боғ мен каби сарғайди, булбуллар менинг каби лол бўлиб, сайрамай қўйдилар, бунинг сабаби шуки, боғ ҳам, булбул ҳам, мен ҳам ўз гулимиздан айрилганмиз". Шеърда бошдан-охиргача куз фасли манзараси чизилган. Кузда боғнинг сарғайиши, гулларнинг хазон бўлиши ҳаммага аён. Аммо булбул кузда сайрамаслигини ҳамма ҳам билавермаса керак. Орнитологик кузатишларга кўра, булбуллар июнь-июль ойларидан кейин сайрашдан тўхтайди. Нозиктаъб шоир мана шу фактни ташбеҳ доирасига тортади ва асосли кўчим яратади.

Бошланмада ғазалнинг кейинги байтларида тасвирланувчи ҳолат ва манзараларнинг сабаби баён этилади. Аввал-бошдаёқ бунинг сабаби ҳижрон экани айтиб ўтилади — ғазал сабаб-оқибат муносабатлари орқали аниқ ҳаётий манзара касб этади.

Матлаъдан бошлаб фалсафий мушоҳадалар инъикос топган еттинчи байтгача шоир куз фасли манзараларини изчил равишда лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига қиёс этиб боради.

**Шарҳловчи:** филология фанлари доктори Нодира АФОҚОВА.

Ғазалнинг тўлиқ шарҳини **www.yoshlarovozi.uz** сайтида ўқинг.

» BIR SHINGIL FALSAFA

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ

### Интервью

Ўқувчи мактабга келган мухбирга: "Мен адабиётга шеърларим билан кириб келдим", — дея интервью берди. Лекин у ақлини танишига қанча борлигини ўзи ҳам билмас эди...

### Тежамкорлик

Ҳамма ёқда рекламалар: "Газни тежанг, сувни тежанг. Чироқни..." Аммо ҳеч ким "асабни тежанг" демайди.

### Топилдиқ

"Китобдан нима топдинг?" — кесатди жоҳил "дўст".

"Сендан бошқа ҳамма нарсани", — ўйлади оқил дўст.

» SIZ NIMA DEYSIZ?

## Раққосалар уялиб қолмасин!

ШОҲИДБЕК



Санъатсевар халқмиз-да. Азалдан шундай. Айниқса, рақсга меҳру эътиборимиз ўзгача. Бу бетакрор санъат тури биз учун қадриятдек бўлиб қолган.

Асрлар мобайнида сайқалланиб келаётган "Хоразм лазгиси", "Андижон полькаси", "Тановар" каби ўзбек миллий рақслари бугун бутун дунёга машҳур. Уларда халқнинг ўй-кечинмалари, туриш-турмуши, орзу-умидлари мимика ва ҳаракатлар "тили" билан ифодаланади. Вақт синовидан ўтган ана шу сара рақсларимиз ўлмас маънавий хазинанинг нодир гавҳарларидир.

Мазмунан теран, қолаверса, тезкор ва серҳаракат рақслар инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши бор гап. Бўлмаса-чи, ахир, айтайлик "Хоразм лазгиси" бошланганида инсон бир жойда ўтира олиши қийин: дарҳол даврага чиқиб, рақсга тушгиси келади. Натижада, ғам-ташвишлар унутилади, танага қувват, қалбга ҳаловат киради. Рақсга ошно кишига эрталабки бадантарбиянинг ҳам кераги йўқ...

Тўй деганлари ҳеч бир миллатда ашулаю рақссиз ўтмайди. Ўзбекда, айниқса. Ҳар қандай базмга ўзгача кўрк ва файз бағишлайдиган ҳам ҳофизу созандалар, дорбозу рақкосаларнинг маҳоратидир. Меҳмонларга эстетик завқ, хуш кайфият улашиш санъаткорнинг бирламчи вазифаси саналади. Бироқ баъзи замонавий тўйларни кузатиб, ҳайратга тушаман.

Рақкосаларнинг ҳаддан зиёд очиқ-сочиқ кийимда даврада хиром айлаши, ҳатто эркакларга шилқимлик қилиши жуда иснодли ҳолат. Буни иснод деб атасак-да, кўзимиз ўрганиб қолмоқда.

Гоҳида тўйга яқинларингиз: ота-она, турмуш ўртоғингиз билан борасиз. Шунда рақкосанинг ёнингизда эшилиб-тўлғанишидан ўзингизни қўярга жой тополмайсиз, уятдан ерга кириб кетай дейсиз. Ҳамманинг кўз ўнгида ана шундай қилиқ қилган одамни нима деб аташ, қандай оқлаш мумкин, ахир!

Ўйланиб қоламан: тўй-базмларда элнинг "хизматини қилиб" юрган ўша қиз-жувонлар рақс бўйича мактаб кўрганмикан, ҳеч бўлмаганда профессионал рақкосага шогирд тушганми, бу санъатнинг қонун-қоидаси, баланд-пастидан хабардорми ўзи?! Афсуски, ҳозирча бу саволларга жавоб йўқ. Ҳар ким ўзини санъаткор санаб, билганини қилиб юрибди.

Яқинда дўстим шу ҳақда кескин муносабат билдириб қолди. Унинг айтишича, тўйда юрганлар рақкоса эмас, ўйинчи. Азбаройи пул ишлаш учун атрофингда гирдикапалак бўлиб ўйнайверади. Ундайлар рақс санъати кўчасига яқин ҳам йўламаган. Тирикчилик ғамида юрибди, холос. Бошқа томондан эса, ўшандай беандишалар сабаб истеъдодли рақкосаларимиз шаънига доғ тушмоқда. Сиз нима дейсиз?

» ASLIYATDAN TARJIMA

## Қуёш ва Ой афсонаси

Корейс тилидан Гулираъно ҒАНИЕВА таржимаси.



Қадим замонларда олис қишлоқда бир аёл ўғил ва қизи билан яшар эди. Кунларнинг бирида уларнинг кўчасида базму жамшид бўлибди. Шу туфайли аёл туни билан ишлашига тўғри келибди. Байрам тугагач, у гуручдан тайёрланган пишириқни олиб, уйи томон йўл олибди. Аммо тасодифан рўпарасида баҳайбат йўлбарс пайдо бўлибди.

— Агар пишириғингдан бир тишлам берсанг, сени емайман! — дебди махлуқ.

Аёл қўрқиб кетиб, қўлидагини унга дарҳол тутқазибди. Йўлбарс пишириқни ямламай ютиб юборибди. Бироқ қорни тўймабди. Шунда аёлни ҳам еб қўйибди. Сўнгра унинг кийимларини кийиб олиб уйи томон отланибди.

Ака-сингил онасини интизорлик билан кутаётган экан. Йўлбарс уй эшиги олдига келиб: "Болажонларим, эшикни очинглар", — дебди майин овозда.

Эшик тирқишидан онасининг либосини кийиб олган йўлбарсга кўзи тушган ўғил синглисини қўлига даст кўтариб, уйдан чопқиллаб чиқиб кетибди. Болалар дарахт тепасига чиқиб олишибдида, осмонга қараб Яратганга илтижо қила бошлабди. Шу пайт осмону фалакдан бир арқон тушибди. Ака-сингил унга осилиб, тепага тирмашибди. Буни кўриб турган йўлбарс ҳам болаларнинг орқасидан эргашибди. Аммо ерга қулаб тушибди.

Шундан буён қизалоқ самода Қуёш, унинг акаси эса, Ой бўлиб одамларга нур сочиб турар экан.

## Ҳамманинг бахти (эртак)

Инглиз тилидан Иброҳим САИДОВ таржимаси.

Тоғда яшайдиган бир одамнинг уч ўғли бор экан. Набиралари ҳам кўп экан. Бу катта оила жуда бахтиёр яшарди. Кекса ота курсига ўтирганича фарзандлари ва набираларига нима қилиш кераклигини доимо уқтирар эди.

Хонадон соҳиблари бири далада, бири ўрмонда, баъзилари эса, уйда меҳнат қилар эди. Ҳамма шодон, ҳаётидан рози эди. Лекин вақт ўтиб оила аъзолари худбинлаша бошлабди. Олдин ҳар бири уйим-жойим, болачақам, деган бўлса, энди "Бу от меники, ана у қўй-қўзи меники", — дея таъна қиладиган бўлибди. Ҳеч ким ўзидан бошқага ғамхўрлик қилмай қўйибди. Бундай ўзгаришлардан оила бошлиғи жуда ранжибди, ўзини бахтсиз ҳис эта бошлабди.

Кунлар ўтди. Бир куни эрта тонгда кекса ота қорда оёқ изларини кўриб қолибди

— Ким саҳардан туриб кетди? — деб сўради у. Ҳеч ким ҳеч нарса билмасмиш. Шунда кекса ота иссиқ кийимларини кийиб, кўчага чиқибди. Оёқ излари далага қараб йўналган, кейин ўрмонга кириб кетиб, катта дарахт олдида тугаган экан. Чол тўхтаб, тепага қаради.



— Мен шу ердаман, — деди кимдир.

— Кимсан? — деб сўради чол.

— Мен оилангнинг бахтиман!

— Нега уйдан кетиб, дарахтга чиқиб олдинг?

— Чунки у хонадонда ҳеч ким мен ҳақимда ўйламай қўйди. Ҳамма фақат ўзи билан овора. Ундай жойда қандай яшашим мумкин, ахир?!

— Ҳа, тўғри айтасан, — деди кекса ота, — лекин сендан ўтиниб сўрайман, уйимга қайт! Сенсиз бахтсиз бўлиб қоламиз...

— Йўқ, у уйга асло қайтмайман, у ерда менга жой йўқ! Аммо ҳар бирингизнинг истагингизни бажо келтиришга тайёрман, — дебди бахт.

Кекса ота фаромуш ҳолда уйига қайтибди. Курсига ўтириб, болаларини ёнига чақириб дебди:

— Бахт уйимизни тарк этди. Энди у қайтиб келмайди.

— Нега? — сўради болалари.

— Чунки ҳаммангиз фақат ўзингизни ўйлайдиган бўлиб қолгансиз. Охирги пайтда қайси бирингиз уйга нон ёки бошқа егулик олиб келиб, рафиқангиз ҳамда фарзандларингиз билан баҳам кўрдингиз? Бошқалар билан ишингиз йўқ! Шунинг учун бахт хонадонимизни тарк этди. Оиламиз катта. Ҳамма ўзига алоҳида уй қуриб яшамоқчи, ака-укасини ўйламайди. "Ҳамма учун эмас, ўзи учун яшайдиган одамларнинг хонадонида менга жой йўқ", — деди Бахт. Лекин у биттадан истагимизни бажо келтиришга тайёр...

Шу заҳотиёқ барча ўғиллар бир-бирига навбат бермай, гапира бошлади. Бири от кераклигини айтди, бошқаси янги кийим-кечак, учинчиси боғ-роғ истади. Фақат биргина қиз чеккада жим турарди.

— Сен нима хоҳлайсан, қизим? — сўради ота.

— Бахт ҳар биримизга меҳр улашсин! — деди қиз. — Бахт бизга илгаригидек бирга яшаш, меҳнат қилиш саодатини қайтариб берсин.

Эртаси куни саҳарлаб оиланинг барча аъзолари ўз ишига киришиб кетибди. Кимдир янги уй қура бошлабди, кимдир от-уловли бўлибди. Бошқаларга янги кийим-кечак, боғ-роғ насиб қилибди. Ҳовли тозаланиб, нонлар ёпилибди. Энди ҳамма вазифасини яхшироқ бажаришга ҳаракат қилар экан. Ҳеч ким меники демас экан. Улар "Бизнинг ишимиз, бизнинг уйимиз" — дейишни ўрганибди... Бахт бу оилага яна қайтиб келибди...

## 1 SAVOLGA 1 JAVOB

**— Катта опам турмушга узатилган. Кўп қаватли уйда яшайди. Айрим қўшниларининг эрлари ёш боласини кўчага чиқариб, сайр қилдиришини кўп кузатганман. Опам бир-икки марта шу ҳақда гап очса, қайнонаси бу эркак кишининг иши эмас, деб жеркиб берибди. Айтинг-чи, динимиз бу борада нима дейди?**

Назокат ПИРМАНОВА
*Тошкент шаҳри*



**Саволга Тошкент ислом университети ўқитувчиси Давронбек МАХСУДОВ жавоб беради:**

— Фарзандга ота, албатта, масъул. Чақалоқ нафақат она, балки отанинг ҳам меҳрини ва ҳидини туйиб ўсиши зарур. Айниқса, ўғил болалар ота эътиборида кўпроқ бўлиши мақсадга мувофиқ.

Одатда оила бошлиқлари тирикчилик ғамида, оналаримиз эса, рўзғор юмушлари ва бола ташвишида бўлади. Бироқ бу фарзанд тарбиясида ота иштирок этиши керак эмас ёки унда масъулият камроқ дегани эмас. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳатто уй-рўзғор ишларида аёлига ёрдам берган. Фарзанд парваришида эса, ёрдам бериш янада аълороқ саналади. Шундай экан, бу жиҳатларни ҳозирги оталар нега инобатга олмаслиги керак?!

Бошқа бир ҳадиси шарифда келтирилишича, пайғамбаримиз (с.а.в.): "Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳлига яхши муносабатда бўлганингиздир. Мен сизлар ичингизда ўз аҳлимга энг яхши муносабатда бўладиганиман", — деганлар. Ҳозирги кунда баъзи эркаклар кўчадан бери келмаслиги оқибатида фарзандлар падари эътиборидан четда қолаётгани бор гап. Мазкур ҳолат бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Ҳурматли қайноналаримиз буни яхши англаб олишини хоҳлардик.

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
ISSN 2010-6998
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – *бош муҳаррир ўринбосари* ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — *бош муҳаррир ўринбосари* ("Молодежь Узбекистана"); Санжар Исматов – *масъул котиб* ("Yoshlar ovozi"); Елена Калинина – *масъул котиб* ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Ҳусанович
Абдуллаев Хуршид Ўктамжонович

Навбатчи
Жавлон Вафоев

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**Таҳририят манзили:** 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:** (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
**E-mail: yoshlarovozi@umail.uz**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: **Буюк Турон кўчаси, 41**.

Индекслар: **203, 3203**
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-136.
Адади — 24352

Босишга топшириш вақти – 21.00
Топширилди – 01.00
ЎзА якуни – 23.55

Офсет усулида босилган.
1 2 3 4 6